

**“Фарғонадонмахсулотлари” АЖнинг ишлаб чиқариш,
маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш
масалалари бўйича директорининг 2021 йил 1 чорақда бажарилган
ишлар бўйича ҳисоботи**

2021 йил 1 чорақда мобайнида Хукуматимиз, компания раҳбарияти ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан кўплаб вазифалар берилди. Барча вазифаларни аҳил жамоамиз билан биргаликда ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилиб, бир қатор ижобий натижаларга эришдик.

“Фарғонадонмахсулотлари” АЖ томонидан 2021 йил 1 чорақда **31 млрд. 46,9 млн.** сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Жумладан, 10215 тонна ун, 6540 тонна омухта-ем ишлаб чиқарилган. Шунингдек, бизнес-режадаги маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўтган йил 1 чорақка нисбатан 98,5 фоизга бажарилди.

Бугунги кунда корхонамизда 446 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг ойлик маошлари мунтазам ўз вақтида тўланиб келинмоқда.

Молиявий фаолият:

2021 йил 1 январ ҳолатига жамият балансида дебитор қарздорлик **19 млрд. 187 млн. 28 минг** сўм, кредитор қарздорлик эса **18 млрд. 334 млн. 672 минг** сўм бўлган.

2021 йил 1 апрел ҳолатига кўра дебитор қарздорлик **11 млрд. 967 млн. 576 минг** сўмни, кредитор қарздорлик эса **7 млрд. 441 млн. 530 минг** сўмни ташкил қилди.

2021 йил 1 январ ҳолатидаги ички тизим корхоналаридан кредитор қарздорлик **5 млрд. 863 млн. 136 минг** сўмни ташкил этган бўлса, бу қарздорлик 2021 йилнинг 1 апрел ҳолатига тўлиқ сўндирилди.

Ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш ва керакли ишларни тўғри ташкил этиш ҳисобига 2021 йил 1 чорақ якуни билан молия хўжалик фаолиятини **2 млрд. 637 млн. 866 минг** сўм фойда билан якунладик.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарорига мувофиқ, ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори лавозими жорий этилган бўлиб, бизни корхонамизда бу вазифа менга юклатилган.

Бугунги кунда корхонамиздаги ишлар харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб келинмоқда. Электрон савдо (кооперацион биржа, xarid.uz)

платформалари орқали ишлаб чиқариш учун зарур хом-ашё материаллар, эҳтиёт қисмлар ва ускуналар харидлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга хизматлар ҳам электрон платформалар орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган. Ушбу ҳолатлар ташқи аудит хулосасида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига асосан жамиятнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида керак бўладиган эҳтиёт қисмлар ва ишлаб чиқаришга керакли бўлган асбоб-ускуналар товар-хом ашё биржа савдолари орқали олинмоқда.

**Маҳаллийлаштириш, саноатда
кооперация алоқаларини кенгайтириш
масалалари бўйича директор:**



Р. Муллаев